

A large, dark green diagonal shape that starts from the top-left corner and extends towards the bottom-right corner, covering the upper half of the page.

2025 йил HR ШАРҲИ

МУНДАРИЖА


1. ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМА.	3
2. ХОДИМЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	6
3. ХОДИМЛАРНИ ЎҚИТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР	7

1. ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМА.

Марказий банкнинг ташкилий тузилмаси марказий аппарати - **31 та** департамент, **4 та** хизмат, **1 та** марказ ва **2 та** бўлим, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида **14 та** ҳудудий бош бошқарма ҳамда тасарруфдаги **5 та** корхоналардан ташкил топган.


2025 йил 1 декабрь ҳолатига Марказий банкнинг марказий аппарати ва ҳудудий бош бошқармалари бўйича штатдаги лавозимлар сони **2480 та** бирликни (Марказий аппарат бўйича – 984 та), шу жумладан раҳбарият таркиби 711 та (Марказий аппарат бўйича – 319 та), мутахассислар - 1235 та бирликни (Марказий аппарат бўйича – 607 та), кичик хизмат ходимлари - 534 бирликни (Марказий аппарат бўйича – 58 та) ташкил этди (1.1 расм).

1.1 Расм. Штатдаги лавозимлар сони



Ҳақиқатда ишлаётган ходимлар сони 2265 киши (Марказий аппарат бўйича - 830), шулардан 647 нафари - раҳбар ходимлар (Марказий аппарат бўйича - 277), 1097 нафари мутахассислар (Марказий аппарат бўйича - 502), 521-кичик хизмат ходимлар (Марказий аппарат бўйича - 51) бутланганлик даражаси 91 (Марказий аппарат бўйича – 84%) фоизни ташкил этди (1.2 расм).

1.2 Расм. Ҳақиқатда ишлаётган ходимлар сони



1.1 Жадвал. Ҳақиқатда ишлаётган ходимлар сони

Сана	Штатдаги лавозимлар (бирлик)	шу жумладан:						Ишлаётган ходимлар (киши)		шу жумладан:						Вакант лавозимлар		шу жумладан:					
		раҳбарият таркиби		мутахас-сислар		кичик хизмат ходимлари				раҳбарият таркиби		мутахас-сислар		кичик хизмат ходимлар				раҳбарият таркиби		мутахас-сислар		кичик хизмат ходимлар	
		сонда	%да	сонда	%да	сонда	%да			сонда	%да	сонда	%да	сонда	%да			сонда	%да	сонда	%да	сонда	%да
01.12. 2025	2480	711	28,7	1235	49,8	534	21,5	2265	91,3	647	26,1	1097	44,2	521	21,0	215	8,7	64	29,8	138	64,2	13	6,0


Марказий аппарат бўйича

Сана	Штатдаги лавозимлар (бирлик)	шу жумладан:						Ишлайётган ходимлар (киши)	шу жумладан:						Вакант лавозимлар	шу жумладан:							
		раҳбарият таркиби		мутахас-сислар		кичик хизмат ходимлари			раҳбарият таркиби		мутахас-сислар		кичик хизмат ходимлар			раҳбарият таркиби		мутахас-сислар		кичик хизмат ходимлар			
		сонда	%да	сонда	%да	сонда	%да		сонда	%да	сонда	%да	сонда	%да		сонда	%да	сонда	%да	сонда	%да		
01.12.2025	984	319	32,4	607	61,7	58	5,9	830	84,3	277	33,4	502	60,5	51	6,1	154	15,6	42	27,3	105	68,2	7	4,5

Раҳбар ходимлар ва мутахассислар ёши бўйича таҳлил қилганимизда, 30 ёшгача бўлган ходимлар 330 нафар ёки 19 фоизни (Марказий аппарат бўйича – 267 ёки 34,1%), 31-50 ёшгача 1183 нафар ёки 68 фоизни (Марказий аппарат бўйича – 447 ёки 57,2%), 50 ёшдан ошганлар 231 нафар ёки 13 фоизни (Марказий аппарат бўйича – 67 ёки 8,6%) ташкил этди. Ходимларнинг ўртача ёши 38 ёшни (Марказий аппарат бўйича – 36 ёшни) ташкил этади (1.3 расм).


1.3 Расм. Ёши бўйича (сонда)

■ 2025 йил ■ 2024 йил ■ 2023 йил



Ишлаётган 1744 нафар раҳбар ходим ва мутахассисларнинг 1704 нафари ёки 98 фоизи (Марказий аппарат бўйича - 779 ёки 99,7%) олий маълумотга, 40 нафари ёки 2 фоизи (Марказий аппарат бўйича - 2 ёки 0,3%) ўрта махсус маълумотга эга (1.4 расм).


1.4 Расм. Маълумоти бўйича



Раҳбар ходим ва мутахассисларнинг банк-молия соҳасидаги 3 йилгача иш стажига эга бўлганлар 206 нафарни ёки 11,8 фоизни (Марказий аппарат бўйича - 143 ёки 18,5%), 3-10 йилгача 466 нафарни ёки 26,7 фоизни (Марказий аппарат бўйича - 252 ёки 32,2%), 10 йилдан ортиқ ишлаганлар 1072 нафар ёки 61,5 фоизни (Марказий аппарат бўйича - 384 ёки 49,1%) ташкил этди.


Ҳисобот санасига Марказий банк марказий аппарат ва ҳудудий бош бошқармаларида фаолият юритаётган раҳбар ва мутахассис хотин-қизлар сони 372 нафарни ёки 21 фоиз (Марказий аппарат бўйича 159 - ёки 20,4%) эканлиги қайд қилинди. Шулардан 63 нафари (Марказий аппаратда 27 нафар, ҳудудий бош бошқармаларида 36 нафар) раҳбар хотин-қизлар, умумий раҳбарлар сонидан 11 фоизни ташкил этади (1.5 расм).

1.5 Расм. Хотин-қизлар сони



Марказий банк марказий аппарати ва ҳудудий бош бошқармалари бўйича жами - 131 нафар, шундан марказий аппарат бўйича - 50 нафар, ҳудудий бош бошқармалар бўйича - 81 нафар, (тарафларнинг келишувига кўра 73 нафар, шундан марказий аппарат бўйича - 34 нафар, ҳудудий бош бошқармалар бўйича - 39 нафар, иш берувчининг ташаббуси бўйича 9 нафар, шундан ҳудудий бош бошқармалар бўйича - 9 нафар, бошқа сабабларга кўра 6 нафар, шундан марказий аппарат бўйича - 1 нафар, ҳудудий бош бошқармалар бўйича - 5 нафар) ходим ишдан озод этилди. 43 нафари ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаган (марказий аппарат бўйича - 15 нафар,

худудий бош бошқармалар бўйича - 28 нафар) ходимлар бўлиб, жами ходимларнинг қўнимсизлик даражаси 2025 йил 1 декабрь ҳолатига кўра 1,3 фоизни ташкил этди (1.6 расм).



2. ХОДИМЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг худудий бош бошқармаларида мавжуд бўлган вакант лавозимларга ишга қабул қилиш жараёни очик танлов асосида ташкил этилиб, ҳужжатларни топшириш, тест синовлари «Телеграм-бот» дастури орқали хорижий тилларни билиш даражасини аниқлаш босқичи Google Meet платформаси ёрдамида масофавий шаклда ташкил этилди.

Суҳбат жараёнлари платформасида Марказий банкнинг тажрибали мутахассисларидан иборат бўлган Экспертлар гуруҳи томонидан ўтказилиб, унда холислик, шаффофлик ҳамда барча номзодларга тенг имкониятларни яратиб бериш тамойили асосида олиб борилмоқда.

Мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисидаги эълонлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг веб-сайтида (cbu.uz) мунтазам равишда ўзбек тилида (лотин ва кирилл алифбосида) ва рус тилида юритиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ОАВ, расмий саҳифалар ҳамда ижтимоий тармоқларда махсус видеоролик тайёрланиб ёритилиши натижасида Марказий банк аппарати ва худудий бош бошқармаларда мавжуд бўлган бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни тез ва осон топишлари ҳамда танлов босқичларини тушунарли бўлиши таъминланди.

Шунингдек, Марказий банкда мавжуд бўш иш ўринларини бутлаш мақсадида етакчи олий ўқув юртлари билан мунтазам ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, бунинг натижасида таълим муассасалари томонидан ташкил этиладиган меҳнат ярмаркаларида фаол иштирок этиб келинган. Хусусан, жорий йилда Тошкент шаҳри ва худудларда кенг миқёсда ташкил этилган «ТалабаЭкспо-2025» кўргазмасида салоҳиятли иш берувчилар сифатида кўргазмали ва тарқатма материаллар билан фаол иштирок этиш орқали кўп сонли талабалар билан учрашишга эришилган.

Бу каби тадбирлар, нуфузли ва тегишли мутахассислик йўналишида талабаларни етиштирувчи олий таълим муассасаларида (*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Жаҳон иқтисодиёти*

ва дипломатия университети, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети, Тошкент давлат юридик университети, Янги Ўзбекистон университети, Тошкент шаҳридаги Инҳа университети, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти) давом эттирилди.

Мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар Марказий банкнинг веб-сайти ва ижтимоий тармоқларида доимий равишда ёритиб борилиши натижасида 2025 йилда Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармаларига ишга кириш учун ишлаб чиқилган (@CBUuz_bot) телеграм-бот орқали 10903 нафар номзодлар рўйхатдан ўтган.

Улардан мутахассислик бўйича тест синови ҳамда тил билиш даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган танловда 622 нафар номзодлар билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сонли «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ишга қабул қилиш бўйича ўтказилган суҳбатлар интернет тармоғи орқали реал вақт режимида жонли (онлайн) трансляция қилинган ҳолда ташкил этилди.

Натижада жорий йилнинг ўзида энг иқтидорли ва муносиб деб топилган 235 нафар номзодлар Марказий банк ходими сифатида ишга қабул қилинди.

Марказий банк фаолиятида анъанага айланиб бораётган «махсус стипендия» дастури бўйича 2025 йилда республиканинг нуфузли олий таълим даргоҳларидаги банк иши, иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, макроиқтисодиёт, статистика ва ахборот технологиялари йўналишлари бўйича таълим олаётган талабалар орасида танлов ўтказилди.

Танлов натижаларига мувофиқ турли олий таълим муассасаларини тамомлаётган 629 нафар битирувчи талабалари орасидан энг иқтидорли 49 нафар талабалар танлаб олиниб Марказий банк стипендияси билан тақдирланди.

Марказий банкда стипендиатлар учун ҳар кунлик амалий малака ўташлари ташкил этилиши, уларнинг иш жойига кўникишларига шароитлар яратилиб, ҳар бир стипендиатга малакали мураббий бириктирилиши ёрдамида ижобий натижалар кузатилган.

3. ХОДИМЛАРНИ ЎҚИТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

Ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш маркази томонидан 2025 йил 1 декабр санасига қадар Марказий банк ходимларини касбий билимларини ошириш ва кўникмларини ривожлантириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди.


2025 йилнинг 1 декабр ҳолатига Марказий банк марказий аппаратининг 209 нафар ходими (108 нафар раҳбар ва 101 нафар мутахассис) ва ҳудудий бош бошқармаларининг 4 нафар ходими хорижий давлатларда ташкил этилган ўқув тадбирларида иштирок этди. Малака оширган ходимларнинг 181 нафари эркак (85 фоизи) ва 32 нафари аёл (15 фоизи) ходимлар ҳиссасига тўғри келади (3.1 расм). Таҳлилларга кўра, хорижий ўқув курсларида иштирок этган аёллар сонига ижобий ўсиш кузатилмоқда: хусусан, 2024 йилда мазкур

кўрсаткич 18 нафарни ташкил этган бўлса, 2025 йил 1 декабрь ҳолатига келиб ушбу рақам 77 фоизга ўсиб, 32 нафарга етган (3.2 расм).

3.1. Расм. Хорижий ўқув тадбирларида иштирок этган ходимларнинг сони




3.2. Расм*. 2023-2025 йилларда хорижий ўқув тадбирларида иштирок этган ходимларнинг сони



Ҳисобот даврида Марказий банк ходимлари учун чет эл ҳамкорлари томонидан хорижий давлатларда **154** та ўқув тадбири (мазкур кўрсаткич ўтган тўлиқ йилга нисбатан 17 фоизга ошган), жумладан, **76** та ўқув курси, **53** та семинари, **12** та тажриба ўрганиш ва стажировка дастурлари ва **2** та узоқ муддатли (BCC ва IFC-Milken дастурлари доирасида) ўқув дастурлари ташкил этилди (3.3 расм).

3.4 Расм. Хорижий ўқув тадбирлари сони (Хорижий ҳамкорлар кесимида)



3.3 Расм. Хорижий ўқув тадбирлари сони (формат бўйича)



Мазкур ўқув тадбирлари хорижий марказий (миллий) банклар, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган бўлиб, жумладан,

Бирлашган Вена институти (JVI) — 33 та, Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕАЭС) - 24 та, хорижий марказий ва миллий банклар - 21 та, Германиянинг Bundesbank - 14 та, Халқаро валюта жамғармасининг Кавказ, Марказий Осиё ва Мўғулистон давлатларини техник қўллаб-қувватлаш маркази (ССАМТАС) - 10 та, Халқаро валюта жамғармаси - 8 та, Жаҳон банки ва RAMP дастури - 8 та, Швейцариянинг Иқтисодий ишлар бўйича давлат котибияти (SECO) ва Швейцариянинг Герцензи ўқув маркази - 4 тадан ва бошқа хорижий ташкилотлар томонидан ўтказилган 28 та ўқув тадбирларида Марказий банк ходимлари иштирок этишди (3.4 расм).

2025 йилнинг 11 ой давомида ташкил этилган жами 154 та тадбирларнинг 53 таси пул-кредит ва макроиқтисодий сиёсати, 35 таси кредит ташкилотларини тартибга солиш ва назорат қилиш, 11 таси халқаро захираларни бошқариш, 7 тадан ахборот технологиялари, киберхавфсизлик ва маълумотларни бошқариш ҳамда молиявий саводхонлик ва оммабоплик, 6 тадан молиявий технологиялар, молиявий барқарорлик ва макропруденциал сиёсати ҳамда 29 таси бошқа йўналишларда ўтказилган (3.5 расм).

3.5 Расм. Хорижий ўқув тадбирларининг йўналишлари



Таҳлил учун, 2024 йилда Марказий банк ходимлари хорижий ташкилотлар томонидан ўтказилган жами 129 та ўқув тадбирларида иштирок этган бўлиб, уларнинг асосий қисми Бирлашган Вена институти (JVI) ҳиссасига тўғри келган (41 та). Шунингдек, Халқаро валюта жамғармасининг Кавказ, Марказий Осиё ва Мўғулистон давлатларини техник қўллаб-қувватлаш маркази (ССАМТАС) томонидан 18 та, хорижий марказий банклар ва Хитой Халқ Республикаси Тижорат вазирлиги томонидан мос равишда 12 тадан, Халқаро валюта жамғармаси томонидан 10 та ҳамда Жаҳон банки томонидан 8 та ўқув тадбири ташкил этилган.

Таъкидлаш жоизки, 2023 йилда мазкур кўрсаткичлар нисбатан паст бўлиб, Марказий банк ходимлари асосан Бирлашган Вена институтида (44 та), хорижий марказий банклар ва халқаро ташкилотларда (20 та), ССАМТАСда (8 та) ҳамда Халқаро валюта жамғармасида (5 та) ўтказилган ўқув тадбирларида иштирок этган (3.6 расм).

Умуман олганда, 2025 йилда ўқув тадбирларининг географияси ва ташкилотлар кесими кенгайгани, шу билан бирга ўқув дастурлари диверсификация қилингани кузатилмоқда.


3.6 Расм. 2023-2025* йилларда хорижий ўқув тадбирлар сони (йиллар кесимида)



* 2025 йил 1 декабр ҳолатига

Ҳисобот даврида хорижий ўқув тадбирлари бўйича **305 та** ўқув хизмат сафари ташкил этилган бўлиб, хусусан, ходимларнинг **1 нафари** – 5 ва 4 мартадан, **16 нафари** – 3 марта, **53 нафари** – 2 марта ва **142 нафари** – 1 марта хорижий давлатларда малака ошириш тадбирларида иштирок этишган (3.7 расм).


3.7 расм. Хорижий ўқув сафарларида ходимлар иштироки



Марказий банк таркибий бўлинмалари ходимларининг хорижий ўқув тадбирларида иштирок этиши юзасидан маълумотлар қуйидагича:

Пул-кредит сиёсати департаменти 20 нафар ходими **40 та**, Банкларни пруденциал назорати департаменти 22 нафар ходими **34 та**, Статистика ва тадқиқотлар департаменти 13 нафар ходими **24 та**, Молиявий барқарорлик департаменти 9 нафар ходими **21 та**, Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш методологияси департаменти 12 нафар ходими **19 та**, Монетар операциялар департаменти 9 нафар ходими **16 та**, Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси департаменти 9 нафар ходими **13 та**, Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти 8 нафар ходими **13 та**, Халқаро захираларни бошқариш департаменти 8 нафар ходими **12 та**, Марказий банк «CERT-CBU» киберхавфсизлик

маркази 10 нафар ходими **11** та ва бошқа таркибий бўлинмаларнинг 89 нафар ходими **98** та ўқув хизмат сафарларини амалга оширган (3.8 расм).




Ташкил этилган хорижий ўқув тадбирларида қатнашган иштирокчиларининг **135** нафари (63 фоизи) 5 йилдан ортиқ ва **78** (37 фоизи) нафари 5 йилгача бўлган иш стажига эга (3.9 расм).


Мазкур ўқув тадбирларида иштирок этган ходимларнинг **73** нафарини (34 фоизи) ёш ходимлар, **140** нафарини (66 фоизи) 30 ёшдан катта бўлган ходимлар ташкил этади (3.10 расм). Таъкидлаш жоизки, 2024 йил давомида хорижий ўқув тадбирларда **68** нафар ёш ходимлар ва **133** нафар 30 ёшдан катта бўлган ходимлар иштирок этди.

Ҳисобот даврида Марказий банк ходимларининг хориждаги ўқув дастурларида иштирок этиши натижасида умумий ўқув соатлари ҳажми шакллантирилди. Мазкур кўрсаткич хорижий ўқув дастурларининг давомийлиги ҳамда иштирок этган ходимлар сони асосида ҳисоблаб чиқилди. Натижада, ҳисобот даври якунига кўра ходимларнинг хориждаги ўқув тадбирлари бўйича умумий ўқув соатлари **10956 соатни** ташкил этди. Шу билан бирга, хорижда ўқув дастурларида иштирок этган ҳар бир ходимга тўғри келадиган ўртача ўқув соатлари **51,5 соатни** ташкил қилди.

3.9 расм. Иштирокчиларнинг Марказий банкдаги иш стаж



3.10 расм. Иштирокчиларнинг ёши



Ҳисобот даврида Марказий банкнинг **244** нафар ходими (202 та эркак ва 42 та аёл) Россия, Англия, Германия, Франция, Арманистон ва Беларус давлатларининг марказий банклари ҳамда халқаро молия ташкилотлари томонидан пул-кредит ва макроиқтисодий сиёсати, кредит ташкилотларини тартибга солиш ва назорат қилиш, халқаро захираларни бошқариш, ахборот технологиялари, киберхавфсизлик ва маълумотларни бошқариш, молиявий саводхонлик ва оммабоплик, молиявий технологиялар, молиявий барқарорлик ва макропруденциал сиёсати, нақд пул муомаласи каби йўналишларда ташкил этилган **75** та онлайн ўқув тадбирларида иштирок этишган (3.11-3.13 расмлар). 2024 йилда Марказий банкнинг **187** нафар ходими Жаҳон банки, Россия, Туркия ва Қозоғистон давлатларининг марказий банклари ҳамда халқаро молия ташкилотлари томонидан кредит ташкилотларини тартибга солиш ва назорат қилиш, ахборот технологиялари, киберхавфсизлик ва маълумотларни бошқариш, пул-кредит ва макроиқтисодий сиёсат ҳамда раҳбар ходимларнинг бошқарув кўникмаларини ривожлантириш каби йўналишларда ташкил этилган **40** та онлайн ўқув тадбирларида иштирок этишган.

3.11 Расм. Онлайн ўқув тадбирларининг йўналишлари



3.12 Расм. Онлайн ўқув тадбирларда катнашган ходимлар сони (Хорижий ҳамкорлар кесимида)



3.13 Расм. Онлайн ўқув тадбирлар сони (Хорижий ҳамкорлар кесимида)




Шу билан бирга, ўтган 11 ой давомида Марказий банк марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари, тижорат банклари, микромолия ва бошқа ташкилотлар ходимлари учун хорижий ташкилотлар билан биргаликда **21** та ўқув тадбирлари ташкил этилган.

Хорижий ҳамкорлар билан биргаликда ўтказилган **21** та ўқув тадбирларини ташкил етишда Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (EBRD), «Марказий банклар салоҳиятини ошириш дастури» (BCC) Котибияти, Россия Банки, KPMG ва бошқа хорижий ҳамкорлар жалб этилган (3.14 расм).

Пул-кредит ва макроиқтисодий сиёсат, банкларни тартибга солиш ва назорат қилиш, халқаро захираларни бошқариш, молиявий саводхонлик ва оммабоплик, яшил иқтисодиёт, факторинг, FinTech ва тўлов тизимлари, IT ва маълумотларни бошқариш, валютани тартибга солиш ва тўлов баланси каби йўналишлар ўтказилган ўқув тадбирларининг асосий мавзулари ҳисобланади.

3.14 Расм. Марказий Банкда жалб этилган хорижий ҳамкорлар



Ташкил этилган мазкур ўқув тадбирларида иштирок этувчиларнинг **391** та (57 фоизи) Марказий банк ходимлари, **275** та (40 фоизи) тижорат банклари, микромолия

ва бошқа кредит ташкилот ходимлари, **11** та Иқтисод ва молия вазирлиги ва Статистика қўмитаси ходимлари ҳамда **12** та тадқиқот ва олий таълим муассасалари ходимлари ташкил этади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан ташкил этилган 3 ойлик «Раҳбар аёллар» курсида Марказий банк марказий аппарати **1** нафар ходими иштирок этди. Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида Марказий банк Қорақалпоғистон Республикаси ва Сирдарё бош бошқармасининг **15** нафар ходими “Ўзбек адабий тили меъёрлари, латин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлоси, ва давлат тилида иш юритиш асослари” курсларида иштирок этишди. Шу билан бирга, сафарбарлик ишлари ва фуқаро муҳофазаси ҳамда меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида марказий аппарат **15** нафар ходими ҳамда **8** та ҳудудий бош бошқармаларининг **34** нафар ходими малака оширишди. Бундан ташқари, «Иш жараёнида сунъий интеллект воситаларидан самарали фойдаланиш» ҳамда «ChatGPT орқали иш жараёнини такомиллаштириш» бўйича ўқув курсларида **179** та Марказий банк ходимлари қатнашди.

Шунингдек, 2025 йил давомида Экология вазирлиги, Молия ва иқтисод вазирлиги, Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази, LB-WE (Landesbank Baden-Wuerttemberg), Республика Касбий кўникмалар маркази, Руссвифт компанияси, Осиё тараққиёт банки (ADB), АҚШ элчихонаси, ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган қисқа муддатли курсларда марказий аппарат бошқармаларнинг **21** нафар ходими иштирок этишди.

Шу билан бир қаторда, Марказий банк марказий аппарати ва ҳудудий бош бошқармаларининг ёш ходимлари, жорий йилда ишга қабул қилинган ходимлари ҳамда 2025 йил 6 октябрдан бошлаб Марказий банк махсус стипендиясига сазовор бўлган **49** нафар стипендиатлари учун 9 ойлик ўқув дастури асосида ўқув тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.


Бундан ташқари, жорий йилда қабул қилинган стипендиатлар учун Қимматбаҳо металлари сақлаш ва улар билан ишлаш хизматида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги “Давлат белгиси” Давлат унитар корхонасига, “Ўзбекистон республика валюта биржаси”га, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Республика Инкассация хизмати”га, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш Бош марказига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги “Гаров реестри”га, Марказий банкнинг Тошкент шаҳридаги ҳисоб-китоб касса марказига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармасига 2025 йил октябр – 2026 йил апрел ойларига мўлжалланган ташриф дастури тасдиқланган.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг 1 декабр ҳолатига, хорижий магистрлик даражасини олган **103** нафар (**51** та раҳбар ва **52** та мутахассис) ходим Марказий банкда фаолият юритмоқда (3.15 расм).


Хорижий магистрлик даражасини олган **103 нафар** ходимларнинг (**9** нафари аёл ва **94** нафари эркак) **45** нафари Япония, **23** нафари Буюк Британия, **9** нафари Корея, **5** нафари Германия ва **21** нафари бошқа хорижий мамлакатларда давлат сиёсати, иқтисодиёт, молия ва банк иши, МВА ва халқаро менежемент каби йўналишларда таълим

олишган. Бундан ташқари, 2025 йилда **1 та** Марказий банк ходими Япониядаги Ёкахама Миллий университетида (Yokohama National University) докторантура (PhD) дастурини битириб қайтиб келган (3.16-3.18 расмлар).

3.15 Расм. Хорижда магистрлик даражасини олган ходимлар сони (лавозимлар кесимида)




3.16 Расм. 2025-йил 1-декабрга qadar xorijda magistr darajasini olgan xodimlar soni (mamlakatlar kesimida)




Таъкидлаш жоизки, 2025 йил 1 январ ҳолатида хорижий магистрлик даражасини олган **86 нафар** ходимларнинг (4 нафари аёл ва 82 нафари эркак) **40** нафари Япония, **20** нафари Буюк Британия, **8** нафари Корея ва **18** нафари бошқа хорижий мамлакатларда тахсил олган.

Тахсил олган хорижий магистратура ва докторантура ўқув дастурларида қатнашган иштирокчиларининг **29** нафарини (28 фоизи) ёш ходимлар, **74** нафарини (72 фоизи) 30 ёшдан катта бўлган ходимлар ташкил этади.

3.17 Расм. 2025 йил 1 декабрга қадар хорижда магистр даражасини олган ходимлар сони (йўналишлар кесимида)



3.18 Расм. 2025 йил 1 декабрга қадар хорижда магистр даражасини олган ходимлар сони (асосий университетлар кесимида)




Ҳозирги кунда Япония, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари, Швейцария, Австралия, Германия ва Испания давлатлари олийгоҳларининг магистратура дастурида **23** нафар, докторантура (PhD) дастурларида **2** нафар ходимлар тахсил олиб келмоқда (3.19 расм). Лавозимлар кесимида, **15** нафар ходимлар - бош мутахассислар


(иктисодчилар), **6** нафар - бошқарма бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, **3** нафар етакчи мутахассислар ҳамда **1** нафари 1-тоифали иқтисодчи лавозимларни эга бўлган ходимлар хорижда магистратура ва докторантура дастурларида ўқимокда (3.20 расм).

Хорижий магистратура дастурларида таҳсил олаётган **23** нафар ходим макроиқтисодиёт сиёсат, иқтисодиёт, давлат сиёсати, MBA ва халқаро менеджмент, молия ва банк иши, бухгалтерия ва молиявий хатарлар бошқаруви, Data analytics, коммуникация бошқаруви каби йўналишларида ҳамда докторантура (PhD) дастурларида таҳсил олаётган **2** нафар ходим статистика ва таҳлилий дастурлаш сиёсати йўналишларида таълим олмоқда.

3.19 расм. 2025 йил 1 декабр ҳолатига хорижий магистратура дастурида таҳсил олаётган ходимлар сони



3.20 расм. 2025 йил 1 декабрь ҳолатига хорижий магистратура дастурида таҳсил олаётган ходимлар сони (лавозимлар кесимида)



Шуни таъкидлаш жоизки, Марказий банкда ўтказиладиган ва хорижий ўқув тадбирлари бўйича барча ўқув материаллари Марказий банк LMS ўқув платформасининг билимлар базасига жойлаштириб келинмоқда.

2025 йил август ойида Марказий банк ходимларини масофавий ўқитиш, сўровларни ўтказиш ва компетенцияларини баҳолаш учун LMS корпоратив ўқув платформаси ишга туширилди. Махсус платформада **1825** Марказий банк марказий аппарат ва ҳудудий бош бошқармалар ходимлари ҳамда Марказий банк стипендиатлари киритилган (3.1 жадвал).


3.1 жадвал. LMS корпоратив ўқув платформаси киритилган ходимлар ва стипендиатлар бўйича маълумот

	Марказий аппарат	Ҳудудий бош бошқармалар	Стипендиатлар	Жами
Платформага киритилган ходимлар сони	815	961	49	1825


Мазкур LMS платформада пул-кредит сиёсати йўналишлари бўйича 8 та ўқув курсларида 130 нафар ходим ўқувни муваффақиятли якунлаган ҳамда 134 нафар ходим

ҳозирги вақтда ўқув жараёнида иштирок этмоқда. English (B1) курси бўйича 58 нафар ходим ўқувни тугатган, 158 нафар ходим эса ўқувни давом эттирмоқда. “Professional English in Use” дастури доирасида 14 нафар ходим ўқувни якунлаган бўлиб, 33 нафар ходим ўқув жараёнида иштирок этмоқда. “Исломий молия асослари ва хизматлари” курси бўйича эса 17 нафар ходим ўқувни якунлаган, 67 нафар ходим ҳозирда мазкур курсни ўзлаштирмоқда (3.21-3.22 расмлар).

3.21 расм. LMS ўқув курслари ҳақида маълумот (йўналишлар кесимида)



3.22 расм. LMS ўқув курслари ҳақида маълумот (йўналишлар кесимида)



Умуман олганда, LMS тизими бўйича жами 219 та ўқув курсини якунланган бўлиб, 392 та ходим ўқув курсларида ўқимокда. Шунингдек, ҳисобот даврида жами 53 та янгилик эълон қилинган бўлиб, улар қаторига хорижий хизмат сафарлари тўғрисидаги ҳафталик дайджестлар ҳам киритилган. Мазкур платформанинг билимлар базасида 1 681 та материал жойлаштирилган бўлиб, мазкур материалларнинг умумий кўрилганлар сони 2 829 тани ташкил этган. Ушбу кўрсаткичлар билимлар базасининг ходимлар томонидан фаол қўлланилаётганини ҳамда корпоратив таълим ва ахборот алмашинувида муҳим манба эканлигини кўрсатади.